

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 12/1

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 12/1 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемурастов Махмут Ажимурастович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳақимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Елмуратов Икматулла Гайбуллаевич</i> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ТАРИХИ (1931-1936 ЙИЛЛАР)	12-18
<i>Qitaybekov Azizbek Kenesbek o'g'li</i> QORAQALPOG'ISTONDA HAVO TRANSPORTINING SHAKLLANISHIDA "DOBROLET" AKSIYADORLIK JAMIYATINING O'RNI	19-23
<i>Nawrizbaeva Nurjamal Qudaybergenovna</i> QORAQALPOQLARNING GILAMCHILIGI BILAN BOG'LIQ VA'ZI MAROSIMLAR	24-29
<i>Сайдуллаев Фаррух Умедулло ўғли</i> МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЭТНОЛОГИК ВА ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРИ	30-35
<i>Berdiqulov Mirolim Tugalvoyevich</i> ТО'ДА-1 NEOLIT MAKONINING O'ZBEKISTON TOSH DAVRI ARXELOGIYASINI O'RGANISHDAGI O'RNI	36-40
<i>Olimjonova Gulida Olimjon qizi</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT BOJXONA XIZMATI ORGANLARI FAOLIYATI ..	41-47
<i>O'ng'alov Lazizbek Amiriddin o'g'li</i> NUROTA TOG' TIZMASINING TOSH DAVRI ARXELOGIYASINING O'RGANILISH TARIXI..	48-53
<i>Rahmonov Faxriddin Shoymardonovich</i> MILLIY DEHQONCHILIK MADANIYATINI ETNO-TARIXIY MANBALARDA AKS ETISHI (JANUBIY O'ZBEKISTON MISOLIDA)	54-58
<i>Tilavboyev Muhammad</i> JIZZAX VOHASIDA OT BILAN BOG'LIQ URF-ODATLAR VA MAROSIMLAR	59-63
<i>To'xtaboyev Xurmatullo Shomirza o'g'li</i> O'ZBEKISTON ILM-FANI RIVOJIDA FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETINING O'RNI (MUSTAQILLIK YILLARI MISOLIDA)	64-68
<i>Рахматиллаев Хасанбой</i> МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ВА УСУЛЛАРГА ДОИР	69-74
<i>Qurbonova Manzila Boqiyevna</i> BUXORO VOHASI MILLIY SHIRINLIKLARI VA ICHIMLIKLARI	75-80
<i>Ravshanova Gulora</i> QASHQADARYO VOHASIDA MUNTAZAM QUROLLI HARAKATLAR TA'MINOTI (XX-asrning 20- yillarida)	81-85
<i>Зарипбаев Уснатдин Оракбаевич</i> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ	86-90

<i>Baxronov Abdullo Haydar o'gli</i> O'ZBEKISTONDA TOSH DAVRI ARXELOGIYASINI O'RGANISHDA XALQARO EKSPEDISIYALARINING O'RNI	91-95
<i>Maxmatqulov Jasur Isroil o'g'li</i> GIYOHVANDLIKKA QARSHI KURASH MAVZUSINING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI	96-101
<i>Esanova Nilufar</i> O'ZBEKISTON-TURKIYA HAMKORLIGI VA UNING NATIJASI (TO'QIMACHILIK SANOATI MISOLIDA)	102-106
<i>Норбоев Сарвар Қахрамон ўғли</i> АФРОСИЁБДАГИ СЎҒД МУДОФАА ДЕВОРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (XX АСРНИНГ 50-80-ЙИЛЛАРИ).....	107-111
<i>Эсонов Зиёдбек Юлдашевич</i> ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТЎҚИМАЧИЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ	112-117
<i>Tishabayeva Irodaxon Rasulovna</i> 1960-1970 YILLARDA O'ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI	118-124
<i>To'xtamishева Fotima Musurmonovna</i> MUSTAQILLIK YILLARIDA QASHQADARYO VOHASI KASHTADO'ZLIGIDA O'ZGARISHLAR.....	125-132
<i>Sattorov Nurbek</i> SHIMOLIY BAQTRIYA VA ZARAFSHON MINTAQALARIDA DEHQONCHILIK VA CHORVACHILIK MADANIYATI SOHIBLARI ETNOMADANIY ALOQALARINING O'ZBEK XALQI ETNOGENEZI SHAKLLANISHIDAGI O'RNI	133-138
<i>Hazratov Nurali Burxon ug'li</i> QADIMGI KESH VILOYATI HUDUDIDAGI ARXELOGIK YODGORLIKLARINING O'RGANILISH TARIXIDAN	139-144
<i>Mamatqulov Bekzod Sherzovich</i> O'ZBEKISTONDA GAZ-OLTINGUGURT SANOATINING YUZAGA KELISHI VA UNING RIVOJLANISH TARIXI (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA).....	145-149
<i>Berdiyev Jamshid</i> VOHA JOY NOMLARINING SHAKLLANISHIDA ETNONIMLAR VA PATRONIMLARNING TUTGAN O'RNI	150-155
<i>Djurakulov Sherzod Davronovich</i> SAMARQAND VILOYATI HUDUDIDI TOSH DAVRI ARXELOGIYASINING O'RGANILISHI TARIXI	156-161
<i>Қурбанова Дилрабо Шерипбоевна</i> ПАРЛАМЕНТ ТАРИХИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ	162-172

<i>Зухриддин Болтаевич Жунаев</i> ХОРАЗМДА РЕСПУБЛИКА ТУЗУМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР (1920-1924 йиллар)	173-181
<i>Mamadiev Voxodir Bobojonovich</i> QASHQADARYO MUZEYIDAGI NODIR OSTODON	182-186
<i>Norqo'chqarov Xushvaqt Eshnazarovich</i> AFG'ONISTONDA O'ZBEK TILINING QONUNIY ASOSLANISHI, O'ZBEKLAR IJTIMOIIY-MADANIY HAYOTIDAGI O'RNI (XX ASR – XXI ASR BOSHLARI)	187-197
<i>Ибрагимов Рахмон Зиёдуллаевич</i> ТОШКЕНТ ВОҲАСИ СЎНГГИ БРОНЗА ДАВРИ ТАРИХИ ТИЗИМИДА: ДАФН УДУМИ ВА МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ	198-203
<i>Азаматова Гулмира Байирбековна</i> ОДАМ САВДОСИГА УЧРАГАН МИГРАНТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА БАЎЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	204-208
<i>Tishabayeva Iroдахon Rasulovna</i> 1960-1970 YILLARDA O'ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI	209-215
08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
<i>Ostonokulov Azamat Abdulkarimovich, Inoyatov Mardonbek Mo'min o'g'li</i> DAVLAT SEKTORIDA ICHKI AUDITNING XALQARO STANDARTLARI	216-226
<i>Kurbaniyazov Shaxzodbek Karimovich</i> O'ZBEKISTONDA KORPORATIV BOSHQARUV TASHKILIIY- IQTISODIY MEKANIZMI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING NAZARIY VA USLUBIY ASOSLARI	227-232
<i>Отабеков Отажон Ғайрат ўғли</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОПТИМАЛ СОЛИҚ ЮКИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МАСАЛАЛАРИ	233-243
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i> ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ	244-255
<i>Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич</i> ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	256-263
<i>Jumaniyazova Ro'za Quvondiq qizi</i> TURIZM INFRATUZILMASI TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	264-269
<i>Matniyozov Murodjon Rajabbayevich</i> DESTINATSIYA IMIDJINI SHAKLLANTIRISHDA TURISTLARNING SODIQLIGI VA QONIQLASHINING AHAMIYATI	270-278

<i>Хамидова Зарифа Урол қизи</i> ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ИЧКИ АУДИТ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	279-291
<i>Toshaliyeva Saodat Toxirovna</i> KICHIK TADBIRKORLIK TUSHUNCHASI VA UNING IJTIMOIIY-IQTISODIY MONIYATI	292-296
<i>Худойназаров Фахритдин Хаитович</i> ИБН ХАЛДУННИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАВСИЯЛАРИ	297-304
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i> GASTRANOMIYANING TURIZM RIVOJLANISHIDAGI ANAMIYATI	305-313
<i>Кадырова Шарофат Амоновна</i> ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ	314-323
<i>Бегматова Зиёда Захиджановна</i> ДАВЛАТ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИ АСОСИДА КАДРЛАР БАНДЛИГИНИ ВА УЛАРГА ТАЛАБНИ БАҲОЛАШ	324-332
<i>Shafkarov Bakhrom Khudoyberdievich</i> TERRITORIAL FEATURES AND THEIR EFFECTIVE USE IN THE CULTIVATION OF VITICULTURE PRODUCTS	333-340
<i>Masharipova Fazilat Axmedovna</i> OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING ANAMIYATI	341-348
<i>Мусинов Дилшод Султанович</i> ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГИ ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ СИФАТИДА	349-359
<i>Шакирова Юлдуз Сайдалиевна</i> ВОПРОСЫ РАЗРАБОТКИ ДОРОЖНОЙ КАРТЫ АКТИВИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ	360-368
<i>Абдивоҳидов Мамуржон Авазхон ўғли</i> РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ МАЗМУНИ, ТАВСИФИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	369-380
<i>To'xtasinova Muxayyo Mirzasultonovna</i> DAVLATNING INNOVATSION TIZIMINI SHAKLLANTIRISH MASALASIGA	381-388
<i>Қурбанова Раҳима Джамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна</i> РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В СТИМУЛИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ	389-403
<i>Набиева Нилуфар Муратовна</i> ОСОБЕННОСТИ КОМПЛЕКСА МАРКЕТИНГОВОГО ПРОДВИЖЕНИЯ КОМПАНИИ В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ	404-416

<i>Safarov Radjabboy Eshmuxammadovich</i> KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISHDA INDIVIDUAL DAROMADGA SOLIQLAR MEKANIZMIDAN SAMARALI FOYDALANISH MASALALARI	417-428
<i>Sharipova Zulayho</i> SANOAT TARMOQLARI KLASSTERLARINI RIVOJLANTIRISH VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI	429-434
<i>Шарипов Акбар Илхамович</i> ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГНИ РОЛИ	435-440
<i>Хаджаев Хабибулла Сагдуллаевич</i> ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ И ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ АНТИМОНОПОЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ	441-447
<i>Хамзайева Дилфуза Самаровна</i> SURXANDARYO VILOYATIDA TURISTIK MAHSULOTLARNI BAHOLASH VA SAMARALI RIVOJLATIRISH IMKONIYATLARI	448-452
<i>Усманова Насиба Акбаржоновна</i> ПУТИ РАЗВИТИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В СФЕРЕ УСЛУГ	453-459
<i>Исхакова Сарвар Аюбовна</i> ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ЗАНЯТОСТЬ И КВАЛИФИКАЦИЮ ПЕРСОНАЛА В СФЕРЕ БЫТОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ	460-467
<i>Ollanazarov Bekmurod Davlatmurotovich</i> INNOVATSION TADBIRKORLIKNI MOLIYALASHTIRISHDA MUQOBIL MOLIYALASHTIRISH VOSITALARIDAN FOYDALANISH VA UNI TURISTIK XIZMATLAR SOHASIDA QO'LLASH IMKONIYATLARI	468-479
<i>To'uchiyeva Nodira G'ulom qizi</i> OLIY TA'LIMNI BOSHQARISHDAGI INNOVATSIYALAR. CHAT GPT YOHUD SUN'IY INTELLEKT	480-485
<i>Абдурахимова Саида Аҳмаджановна, Адилова Гўзал Абзаловна</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ	486-494
<i>Maxsudov Sherzod Solijonovich</i> TO'QIMACHILIK SANOATI KORXONALARIDA INVESTITSION MUHIT JOZIBADORLIGINI BOSHQARISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI	495-500
<i>Tadjibekova Dilnoza Bakhtiyarovna</i> ENHANCING FINANCIAL RESOURCE FORMATION IN BUSINESSES	501-506
<i>Radjabova Malika Ziyodullayevna</i> AHOLI BANDLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI XUSUSIDA	507-512

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Asraqulova Adiba Nabiyevna</i> ZAMONAVIY DAVRDA IQTISODGA FALSAFIY QARASHLAR	513-520
<i>Жўраев Аҳмад Муҳаммадиевич</i> ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК ҲОЯЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ	521-530
<i>Гуламова Мавжуда Ташпулатовна</i> АХМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНаВИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ҲОЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ	531-538
<i>Abduxolikova Nasiba Alijonovna</i> YOSHLARNING ONLAYN TA'LIM JARAYONIGA TA'SIR ETUVCHI IJOBiy SALBIY OMILLAR	539-544
<i>Yazdonov Zikirillo Shukurilloevich</i> QALANDARIYLIK VA UNING INSON, JAMIYAT TIZIMIDAGI O'RNI	545-552
<i>Sharipova Barno Salimovna</i> BIOETIK MADANIYATNING RIVOJLANISH BOSQICHLARI VA UNING ZAMONAVIY IMIJI	553-558
<i>Xalikulova Umida Rustamovna</i> AXBOROT MUHITINING OLIY TA'LIMGA TA'SIRI: KONSTRUKTIV VA DESTRUKTIV OMILLAR	559-564
<i>Abbasova Maftuna Subxonovna, Temirova Xurshida</i> OILA VA NIKOH MA'NAVIYATI, OILANI MUSTAHKAMLASH OMILLARI	565-571
<i>Tog'ayev Nodirjon Ergashevich</i> AJDODLARIMIZ BOY ILMIY MEROSINING O'ZBEKISTONDA MA'RIFATLI JAMIYAT QURISH HAMDA YOSHLAR TARBIVASIDA TUTGAN O'RNI	572-576
<i>Kipchoqov Xomidjon Gulomovich</i> JAVOBGARLIK PRINSIPINI SHAKLLANTIRISH AXLOQSHUNOSLIKNING ASOSIY MASALASI SIFATIDA	577-581
<i>Raximova Rayxon Abdurasulovna</i> ZAMONAVIY OILADA MA'NAVIY-AXLOQIY QADRIYATLARNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMONING NAZARIY VA USLUBIY TAHLILI	582-586
<i>Агзамова Нилюфар Шухратовна</i> "АДАБ АЛЬ-ТАБИБ" КАК ИСТОЧНИК НАЦИОНАЛЬНОЙ БИОЭТИКИ	587-591
<i>Axmadiyev Nuriddin Muxutdinovich</i> INTELLEKTUAL MADANIYAT YOSHLARNING INNOVATSION FAOLLIGINI OSHIRISHNING MUHIM MEZONI SIFATIDA	592-596
<i>Nabiyev Mansur Jamxur o'g'li</i> DEMOKRATIK JAMIYAT TARAQQIYOTIDA IJTIMOiy G'OYALAR EVOLYUTSIYASI VA MODERNIZATSIYASI	597-603

<i>Kenjayeva Dilrabo Romanovna, Xaydarova Larisa Sunnatovna</i> GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY MADANIYAT SOHASIDAGI O'ZGARISHLARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	604-609
<i>Abduraximova Tursunoy Abduvoxid qizi</i> O'ZBEKISTONDA OLIY TA'LIM TRANSFORMATSIYASINING FALSAFIY MOHIYATI	610-615
<i>Tagayev Ganisher Xasanovich</i> YOSHLAR ETNOESTETIK DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISHDA BADIY-ESTETIK OMILLARNING O'RNI	616-625
<i>Шоназаров Жамшид Шуҳратович</i> БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ҲОЯСИ	626-630
<i>Ҳамраев Сирож Абруевич</i> ЖАМИЯТ ЯНГИЛАНИШИ ВА ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ	631-637
<i>Nabiyev Bekzod Muxammadumarovich</i> MAFKURAVIY ISHLARNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARI: O'ZBEKISTON VA HORIJ TAJRIBASI	638-642
<i>Hashimova Gulsina Ismoyilovna</i> HARBIY IJTIMOYIY ISH VA HARBIY MADANIYATNING HARBIY XIZMATCHILAR FAROVONLIGINI TA'MINLASHDAGI ROLI	643-648
<i>Karimova Gulnoza Yigitaliyevna</i> AXLOQIY MADANIYAT TUSHUNCHASINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOYIY ZARURIYATI	649-655
<i>Sharipova Kamola Usmonjonovna</i> YANGI O'ZBEKISTONDA GENDER TENGLIKNI TA'MINLASH BO'YICHA ILG'OR XORIJIY DAVLATLAR TAJRIBASINI MILLIY STRATEGIYAGA TRANSFORMASIYALASH ISTIQBOLLARI	656-661

07.00.00-Тарих фанлари

Жунаев Зухриддин Болтаевич
Навоий давлат педагогика институти
“Тарих” кафедраси доценти в.б., тарих
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: [junaev zuhriddin@mail.ru](mailto:junaev_zuhriddin@mail.ru)

ХОРАЗМДА РЕСПУБЛИКА ТУЗУМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР (1920-1924 йиллар)

Аннотация. Ушбу мақолада Хива хонлигининг тугатилиши ҳамда Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР)нинг ташкил топиши, ундаги сиёсий жараёнлар ва ижтимоий муносабатларга большевиклар ва Марказнинг таъсири, Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишнинг ўтказилиши ҳамда Хоразм Республикасининг тугатилиши каби масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: Ёш хиваликлар, Турфронт, қурултой, ХХСР, инқилобий комитет, Нозирлар Шўроси, қизил армия, большевиклар, Иттифоқ шартномаси ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий битим, РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси, миллий-худудий чегараланиш.

Junaev Zukhriddin Boltaevich
Associate Professor of the Department of History
Navoi State Pedagogical Institute,
Doctor of Philosophy in History (PhD)

REPUBLICAN SYSTEM IN KHOREZM: ACHIEVEMENTS AND PROBLEMS (1920-1924 years)

Abstract. This article discusses issues such as the termination of the Khiva Khanate and the creation of the Khorezm People's Soviet Republic (KhPSR), the influence of the Bolsheviks and the Center on political processes and social relations in it, the implementation of national-territorial delimitation in Central Asia and the termination of the existence of the Khorezm Republic.

Key words: Young Khivans, Turkfront, congress, USSR, revolutionary committee, Soviet Nazirat, Red Army, Bolsheviks, Union Treaty, military-political and economic treaty, Central Asian Bureau of the RCP (b), national-territorial delimitation.

Джунаев Зухриддин Болтаевич
доцент кафедрасы «История»
Навоийского государственного педагогического
института, доктор философии по истории (PhD)

РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СТРОЙ В ХОРЕЗМЕ: ДОСТИЖЕНИЯ И ПРОБЛЕМЫ (1920- 1924 гг.)

Аннотация. В данной статье рассматриваются такие вопросы, как прекращение Хивинского ханства и создание Хорезмской Народной Советской Республики (ХНСР), влияние большевиков и Центра на политические процессы и общественные отношения в ней, проведение национально-территориального разграничения в Средней Азии и прекращение существования Хорезмской Республики.

Ключевые слова: Молодые хивинцы, Туркфронт, съезд, СССР, ревком, Советов Назират, Красная Армия, большевики, Союзный договор, военно-политический и экономический договор, Среднеазиатское бюро РКП(б), национально-территориальное разграничение.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I12.1Y2023N28>

Кириш. Ўзбекистон мустақиллиги туфайли тарихий жараёнларнинг янги парадигмаларини ўзлаштириш, ҳақиқатни англаш омилини шакллантириш ва унинг амал қилишига шароит яратиш имкони пайдо бўлди. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг янги, илмий холисликка ва тарихий объективликка асосланган принциплари ишлаб чиқилди. Пировардида мамлакатимиз тарихчилари ва бошқа гуманитар фанлар вакиллари томонидан Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига бағишланган юзлаб илмий ишлар янги концептуал ёндашувлар асосида тайёрланди. Қуйида сўз юритадиган тадқиқот ишимиз ҳам биз илгари сураётган ушбу фикр-мулоҳазаларимизнинг яққол ифодасидир.

Ўзбек давлатчилиги тарихида гарчи қисқа давр яшаган бўлсада, Хоразм Халқ Совет Республикаси (1920-1924 йиллар) муҳим босқич сифатида из қолдирган. Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР)да Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошчилигидаги миллий ҳукуматнинг шаклланиши билан миллий тараққиёт сари амалий қадамлар ташланди. Ёш хиваликлар ўзларининг ислоҳотчилик ғоялари ва давлатчилик қарашларини ўзлари бошқараётган янги ҳукуматда амалга оширишга киришдилар. Республика йилларида Хоразм воҳаси аҳолиси хонликдан мерос қолган асоратларни тугатиб, дастлабки демократик ўзгаришларни ҳаётга жорий этиш учун интилдилар. ХХСР раҳбарлари ва бошқа миллий раҳбар ходимларнинг тинимсиз фаолияти натижасида янги республикада қисқа муддат давомида катта ишлар амалга оширилди. Аммо совет ҳокимиятини зўравонлик билан қарор топиши ҳамда минтақани социалистик тараққиётга тортиш орқали бу ерда советлаштириш ва руслаштириш сиёсатни олиб бориши каби муаммоларни ўрганиш, холисона ёритиш каби масалалар бугунги кунда тарихни тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Методлар ва ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзуда ёзилган тарихий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларни методологик ёндашув ва илмий хусусиятга кўра учта асосий гуруҳ: биринчи гуруҳ – совет даврида яратилган тадқиқотлар бўлиб, буларга Г.Непесов [1], А.Гордиенко [2], Х.Ҳамдамов [3], И.Погорельский [4] каби муаллифларнинг асарларини айтиб ўтиш жоиз. Аммо ушбу гуруҳга хос адабиётларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, уларда холислик тамойиллари бузилган, синфий ёндашув устунлик қилган, тарих коммунистик мафқуранинг аввалдан белгиланган ва қотиб қолган маълум бир қолипи асосида ёзилган ҳамда бирламчи манбалар ушбу ғаразли мақсадга хизмат қилдирилган. Шу боисдан ХХСР тарихи мавзусида совет даврида яратилган тадқиқотларнинг умумий таҳлили шуни кўрсатадики, бу ишлар бугунги кун талабларига жавоб бера олмайди. Иккинчи гуруҳ – Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан

Р.Раджапова[5], М.Жўраев[6], Р.Абдуллаев ва бошқалар[7]нинг илмий муҳаррирлигида нашр этилган китоблар, Қ.Ражабов[8], Б.Кошанов[9], Н.Полвонов[10], М.Маткаримов[11], Б.Мамадаминова[12]ларнинг тарихий тадқиқотларини таъкидлаш ўринлидир. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, тарихий жараёнларни холис ва ҳаққоний ёритиш учун қулай шароит юзага келди. Мустабид совет тузумининг емирилиши, миллий маънавиятнинг тикланиши натижасида Ўзбекистон тарихининг ажралмас қисми бўлган Хоразм Халқ Совет Республикаси тарихини ёритишда синфий ва партиявий ёндашувлар инкор қилиниб, муаммони фақат илмий асосда чуқур ўрганишга киришилди. Биз эътироф этаётган мазкур гуруҳдаги тадқиқотлар ҳамда уларнинг муаллифлари масаланинг айрим жиҳатларини ёритишда шу нуқтаи назардан ёндашган. Учинчи гуруҳ – хорижий тадқиқотлар ҳисобланиб, улар сирасига Т.Алланиязов[13], К.Мухаммадбердиев[14], Alexander Park[15], Baymirza Nayit[16], Adeeb Khalid[17] асарларини келтириш мумкин. Муҳожирликдаги туркистонликлар ва хорижий тадқиқотчилар ўз асарларида XX аср бошларида Туркистон минтақасида, хусусан, Хоразмдаги сиёсий ва ижтимоий муаммолар имкон қадар холис ва илмий таҳлил қилиниб, муҳим далиллар келтирилади. Бироқ бу тадқиқотларда Хива хонлигида монархик тартиботнинг ағдарилиши ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг ташкил топиши тарихи жиддий тадқиқ этилмаган. Муаммонинг бу жиҳатлари ушбу мавзунинг алоҳида тадқиқот объекти сифатида танлаб олинишига имкон яратди.

Тадқиқот натижалари. Большевиклар Туркистонда ҳокимиятни қўлга олгач, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳудудини ҳам босиб олиб, бу давлатлар ўрнига инқилобий ҳукуматлар ташкил этишга ҳаракат қилди. Бу РКП (б) МК ва РСФСР раҳбариятининг Шарққа нисбатан тутган янги йўлининг Туркистон минтақасида акс этиши эди. 1918-1920 йилларда Хива хонлиги ва Бухоро амирлигида, шунингдек, хонликларга яқин ва чегарадош давлатлар бўлган Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатларда ўз миқёсига кўра жуда катта миллий озодлик ҳаракатлари ва турли қўзғолонлар бўлди. Большевикларнинг олий сиёсий раҳбарияти ўртасида 1919 йил ёзида Шарқ мамлакатларида авж олган озодлик ҳаракатларини совет Россияси манфаатига бўйсундириш учун фойдаланиш режаларини амалга ошириш, бу империявий режага эришиш учун ҳатто ҳарбий куч ва зўравонлик ишлатишдан ҳам тўхтамаслик фикри кучайди[18].

1919 йил 22 декабрда Туркистон комиссияси директивасига биноан Туркистон комиссияси ва Туркистон fronti (Туркфронт) вакили Г.Скалов ва Амударё гуруҳи қўшинларининг қўмондони Н.М.Шчербаков Хива хонлиги ҳудудига “унинг қўзғолон кўтарган халқига ёрдам кўрсатиш учун” бостириб кириш тўғрисида буйруқ бердилар. Амударё гуруҳи қўшинларининг қисмлари икки отрядга: Н.А.Шайдаков қўмондонлигидаги Шимолий отряд ва Н.М.Шчербаков қўмондонлигидаги Жанубий отрядга бўлинди. 23 декабрда совет қўшинларининг хонлик ҳудудига бостириб кириши бошланди. Жанубий отряд таркибида хивалик қочоқлар (Ёш хиваликлар, коммунистлар ва ҳ.к.) дан ташкил топган кўнгилли отряд ҳам курашди. Совет қўшинлари илгарилаб борган сари уларга туркман ва ўзбек аҳолисидан ташкил топган қўзғолончилар отрядлари қўшилаверди. Тез орада хивалик қўзғолончиларнинг умумий сони 3000 кишига етди. Совет қўшинлари Жунаидхон йигитлари қаршилигини енгиб,

қўзғолончилар отрядлари билан биргаликда Кўҳна Урганч, Эминқалъа, Порсу, Иляли, Тошқовузни қўлга киритди. Улар 1920 йил январь ойининг иккинчи ярмида Жунаидхон қўшинларига Ғазовот туманида жиддий зарба бериб, пойтахт Хивага яқинлашиб келдилар ва 1 февралда шаҳарни жангсиз эгалладилар[19]. 2 февралда Хива хони Саид Абдуллахон тахтдан воз кечди.

Хивада хонлик тузуми ағдариб ташланган куннинг ўзида Ёш хиваликлар фирқаси аъзоларидан иборат Муваққат инқилобий қўмита тузилиб, Тўрткўлдаги Ёш хиваликлар инқилобий қўмитасининг бошлиғи Мулла Жуманиёз Султонмуродов унга раис қилиб тайинланди. Қўмита таркибига уламолар вакили Одамохун Ортиқов, йирик савдогар Матпанобой Мадраҳимов, туркманлар вакиллари Мулла Ўроз Хўжамухамедов ва Мулла Наврўз Рўзиев аъзолар қилиб киритилди[20]. Бу қўмита 2 ой давомида ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро қилувчи ҳокимият вазифасини бажарди.

Ёш хивалик жадидлар Хоразмда ағдариб ташланган хонлик тузуми ўрнига демократик республика қуриш учун интилдилар. Янги давлатнинг асосларини яратишда 1920 йил 26 - 30 апрелда бўлиб ўтган Бутунхоразм халқ вакилларининг I қурултойи катта роль ўйнади. Қурултойда Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Қурултойда 15 кишидан иборат ёш республика ҳукумати – Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси тузилди[21].

Ҳукумат бошлиғи П.Юсупов тажрибали давлат арбоби бўлиб, у дастлабки кунлардан бошлаб Хоразм Республикасида демократик ислохотларни ўтказиш, мамлакатнинг амалда мустақил бўлиши учун курашди.

ХХСР биринчи ҳукумати нозирларининг аксарияти жадидлардан иборат бўлган ва шу сабабли ҳукумат Ёш хиваликлар ҳукумати деб юритилган. Ёш хиваликлар мамлакатда хонликдан қолган асоратларни тугатиш, республикада демократик тузумни қарор топтириш, мустақил Хоразм давлатини барпо қилиш учун курашди. Россия расмий доиралари, Туркистон комиссияси ва Туркистон fronti вакиллари мустақил сиёсат юритишга интилаётган Ёш хиваликлар ҳукуматини бадном қилиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Совет давлатининг қуроли ифвогарликларига қарамай, Ёш хиваликлар ҳукумати қарийб бир йил яшади[22].

Хивада монархияга асосланган хонлик тузуми ағдариб ташлангандан кейин ҳокимиятнинг янги бошқарув шакли, яъни республика бошқаруви ўрнатилди. Янги ташкил топган Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР)да демократик ислохотларни жорий қилиш учун кураш бошланди. Ёш хиваликлар партияси раҳбарлари ҳокимиятга қизил армия ва большевиклар ёрдамида келган бўлсалар ҳам Хоразмда яшаётган аҳолининг кенг қатламлари манфаатлари учун курашдилар. Бироқ Хоразм тупроғига бостириб кирган қизил армия қисмлари бу ерни тарк этмади. Совет Россияси ва унинг ҳукмрон доиралари, Туркистон АССРдаги большевиклар “хонлик зулми”дан қутулган хоразмликларни қизил армия кучлари ёрдамида “советлаштириш ва руслаштириш”га, бутун минтақада совет ҳокимиятини мустаҳкам қарор топтириш учун барча воситалар билан ҳаракат қилди.

1919 йил 13 сентябрда Москвада РСФСР билан ХХСР ўртасида 24 моддадан иборат Иттифоқ шартномаси, ҳарбий-сиёсий ва 15 моддадан иборат иқтисодий битим каби ҳужжатлар имзоланган эди[23]. Шартномада Россия томонидан “Хоразм Халқ Совет

Республикасининг тўла эркинлиги ва мустақиллиги” тан олинган бўлса-да, амалда у қуруқ декларация бўлиб чиқди.

Тарихий тадқиқотларда тўғри таъкидлаганидек, Хоразмда XX аср бошларида асосий сиёсий куч Ёш хиваликлар партияси бўлган. Ёш хиваликлар хоннинг ва унинг амалдорларининг мустабид зулмига қарши Хоразм аҳолисининг курашига бошчилик қилди. Улар 1920 йил февралдан 1921 йил март ойигача бир йилдан ортиқ вақт давомида ХХСР ҳукуматини ҳам бошқардилар. Бироқ 1921 йил 6 мартда Хивада турган қизил армиянинг сиёсий бўлими раҳбарлигида амалга оширилган фитна натижасида Полвонниёз Ҳожи Юсупов ҳукумати ағдариб ташланди. 1921 йил март ойида махсус декрет билан Ёш хиваликлар партияси фаолияти бутунлай тақиқланди[24].

Тўнтаришдан кейин ҳукуматнинг собиқ раиси яширинишга зўрға улгурди[25]. Бироқ орадан кўп ўтмай, у қамоққа олинди. Қизил аскарлар қўлига тушмай қолган айрим нозирлар Жунаидхон қўшинлари сафига бориб қўшилди. Сиёсий бошқарма рўйхати асосида 6 кишилиқ Муваққат инқилобий комитет (ревком) тузилгани эълон қилинди. Унга Собирберган Қўчқоров раис қилиб тайинланди.

Шундай қилиб, Хоразм Халқ Совет Республикасида яна ташқи кучлар томонидан давлат тўнтариши ўтказилди ва қонуний сайланган Ёш хиваликлар ҳукумати ағдарилди. Афсуски, бу ҳолат ХХСР мавжуд бўлган кейинги йилларда яна ҳам давом этди.

1921 йил июль ойида Хоразм Марказий Ижроия Қўмитасининг декретига биноан 8 та муваққат инқилобий комитетлар (ревкомлар) ўрнида Қўнғирот, Манғит, Хўжайли, Хонқа, Тошовуз, Янги Урганч, Ҳазорасп, Ғазовотда район ижроия комитетлари (райисполкомлар) ташкил қилинди[26].

ХХСР ҳукумати таркиби ҳам ўзига хос бўлиб, ҳукумат аъзолари бўлган нозирлар, яъни вазирлар этник жиҳатдан туб жой аҳоли бўлган ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлардан ташқари Марказ манфаатларига хизмат қиладиган ҳамда қизил армия сафларида бўлган ва большевиклар партиясининг аъзолари ҳисобланган татарлардан иборат эди. Кейинчалик ҳукумат таркибига руслар ва бошқа европалик миллат вакиллари, Тошкентдан юборилган “тажрибали совет, партия, хўжалик раҳбарлари ва ходимлари” ҳам киритилди. Совет ҳокимияти ва большевиклар Хоразмда бу даврда тез-тез турли фитна ва исёнларни уюштириб, ХХСР ҳукуматини зўрлик билан бир неча марта ағдариб ташладилар. Фақат 1920 йил февраль –

1921 йил июнь ойларида ХХСРда 2 марта муваққат инқилобий комитет (ревком) тузилиб, унга фавқулодда ҳуқуқлар берилди. Бу ревком амалда ХХСР ҳукумати устидан назорат ўрнатиб, большевикларнинг Хоразмда юритган мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга ҳаракат қилди.

Хуллас, 1921 йил охирлари ва 1922 йил бошларидан бошлаб Хоразмда давлатчиликнинг мустақил ривожланишига катта зарба берилди. ХХСР расман мустақил республика ёки давлат бўлса ҳам, у аслида совет Россияси ҳимояси остида ва унинг қонунлари асосида иш кўришга мажбур қилинди. Хоразмдаги миллий раҳбар ходимлар доимий равишда Марказ тазйиқи остида фаолият кўрсатди.

РКП(б) МКнинг Ташкилий бюроси ўзининг 1924 йил 31 январдаги мажлисида бошқа масалалар билан бир қаторда Туркистон, Бухоро, Хоразм Республикаларининг миллий-худудий чегараланиши тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди ва Я.Э.Рудзутакка мазкур республикаларнинг масъул ходимлари билан биргаликда бу

ғояни амалда қандай рўёбга чиқариш мумкинлигини олдиндан муҳокама қилиб кўришни топширди.

“Ўзбекистон тарихи” номли фундаментал тадқиқотда таъкидланганидек, Хоразм ва Бухоро Халқ Республикаларининг мустақиллиги бу давр охирига келиб ниҳоятда хаёлий хусусиятга эга эди. Ҳақиқатда улар мустақилликни қўлдан бой берган эдилар. Учта республиканинг иқтисодий жиҳатдан бирлашуви ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг тузилиши, Хоразм ва Бухоро Коммунистик партияларининг РКП(б) таркибига кириши ва РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг ташкил этилиши, Россия билан Бухоро ва Хоразм Республикалари ўртасида янги иқтисодий битимларнинг тузилиши, пул муомаласининг бирхиллашуви (унга Россия червонининг асос қилиб олиниши) натижасида, бу давлатларга сиёсий, иқтисодий, молиявий жиҳатдан ҳукмронлик қилиш бутунлай Москва ихтиёрига ўтди[27].

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, 1923 йил 17-20 октябрда булган Бутунхоразм халқ вакилларининг IV курултойи ХХСРни Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)га айлантириш тўғрисида қарор қабул килди. 20 октябрда ХССРнинг 5 та бўлим ва 12 бобдан иборат янги Конституцияси қабул қилинди. Афсуски, бу Конституция мамлакатнинг факат социалистик қурилиш йўлига ўтишини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Унга мувофиқ, ернинг хусусий мулк эканлиги бекор қилинди, вақф мулклари Маориф нозирлиги ихтиёрига берилди. Қозихоналар фаолияти тақиқланиб, совет судлари ташкил килинди. Демак, 1923 йил октябрь ойидан бошлаб Хоразм Республикасидаги демократик ўзгаришларга чек қўйилди. Хоразмни советлаштириш жараёни ўзининг юқори босқичига кутарилди.

Хоразм Компартияси раҳбариятида миллий чегараланишга турлича муносабат пайдо бўлган эди. 1924 йил 3 мартда бўлган ХКП МК Ижроия бюроси мажлисида ахборот тартибида РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг аъзоси И.Межлаукнинг миллий-худудий чегараланиш тўғрисидаги маърузаси тингланди ва муҳокама қилинди[28].

Бироқ бу масалада Хоразм Республикаси раҳбариятининг ўз қарашлари бўлган. Хоразм Компартияси Марказий Комитети масъул секретари Қаландар Одинаев, Марказий Комитет аъзоси Маткарим Абдусаломов ва бошқа миллий раҳбар ходимлар миллий-худудий чегараланишга ошкора равишда қарши чиққанлар. Улар Хоразмнинг ўзига хос табиий ва жуғрофик ҳамда миллий-маданий хусусиятларини ҳисобга олиб, уни алоҳида федератив республика сифатида СССР таркибига қўшилиш таклифини илгари сурганлар. Бу миллий раҳбарлар ўз қарашлари ифодаланган ғоя ва таклифлари ифодаланган турли мактублар ва мурожаатномаларини бир неча марта Тошкент ва Москвадаги турли юқори органларга юборганлар.

РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси Хоразм Компартияси Марказий Комитети таркибини янгилагач ҳамда бошқарувда хоразмликлар ўрнини Тошкент ва Москвадан юборилган “тажрибали партия, совет ва хўжалик раҳбарлари” билан алмаштиргач, ўз режаларини силлиқлик билан амалга ошира бошлади. Хоразм Компартияси Марказий Комитетининг янгиланган таркиби 1924 йил 26 июнда аввал 9 июнда қабул қилинган қарорни бекор қилди ҳамда Хоразм учун ҳам миллий чегараланишнинг зарурлигини эътироф этди. РКП(б) МК Сиёсий бюроси Ўрта Осиё бюросининг таклифи билан яна бу

масалага қайтди ва Хоразмни Бухоро ҳамда Туркистон республикалари билан бир қаторда миллий-худудий чегараланиш жараёнига қўшди.

Хоразм Марказий Ижроия Комитети 1924 йил май ойида Хоразм ССР таркибида Туркман автоном вилояти ва Қорақалпоқ автоном вилояти тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди[29].

1924 йил 29 октябрь – 2 ноябрда Хива шаҳрида бўлиб ўтган Бутунхоразм Советларининг V қурултойи ҳам миллий давлат чегараланиши тўғрисида қарор қабул қилди. 30 октябрда қабул қилинган қурултой қарори асосида Хоразмда яшовчи ўзбеклар, туркманлар ва қорақалпоқларга Хоразм Республикаси таркибидан ажралиб чиқиб, тегишли миллий республикалар ва автоном областларга бирлашиш ҳуқуқи берилди[30].

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, XX аср бошларида ҳам мавжуд бўлган Хива хонлиги қадимий давлатчилик анъаналарига эга бўлишига қарамасдан бу даврга келиб жаҳон тараққиётидан анча орқада қолган бўлиб, монархияга асосланган хонлик бошқарув тузумини ислоҳ қилиш муҳим тарихий заруриятга айланди. Хоразм воҳасида вужудга келган жадидчилик ҳаракатидан Ёш хиваликлар партияси ўсиб чиқди. Хоразм тараққийпарвар кучлари ва Ёш хиваликлар дастлаб хонликни конституцион монархия сифатида сақлаб қолиб, Мажлис ташкил қилиб, мамлакатда турли ислохотларни амалга оширмоқчи бўлдилар. 1917 йилда ҳукумат тепасига келган Ёш хиваликлар фаолияти узоққа чўзилмади. Хиванинг сўнгги хонлари Асфандиёрхон ва Саид Абдуллахон қатағон усуллари қўллаб, Ёш хиваликларни мамлакат ҳудудидан бадарға қилишди. Тўрткўл ва Тошкентда жойлашган Ёш хиваликлар инқилобий партияси бу пайтда совет ҳокимияти ва большевиклар билан ҳамкорлик қилиб, Хивада хонлик тузумини қизил аскарлар ёрдамида 1920 йил 1 февралда ағдариб ташлашга муваффақ бўлдилар. Большевиклар ёрдамида Ёш хиваликлар партияси ҳокимият тепасига келди. 1920 йил апрелда бўлган Бутунхоразм халқ вакиллари I қурултойида Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил қилинди. Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошчилигида Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси тузилди. Ёш хиваликлар ўзларининг ислохотчилик ғоялари ва давлатчилик қарашларини ўзлари бошқараётган янги ҳукуматда амалга оширишга киришдилар. Республика йилларида Хоразм воҳаси аҳолиси хонликдан мерос қолган асоратларни тугатиб, дастлабки демократик ўзгаришларни ҳаётга жорий этиш учун интилдилар. ХХСР раҳбарлари ва бошқа миллий раҳбар ходимларнинг тинимсиз фаолияти натижасида янги республикада қисқа муддат давомида катта ишлар амалга оширилди. 1924 йил кузида Ўрта Осиёда миллий-худудий ўтказилиши натижасида янги совет республикалари ва автоном областлари ташкил қилинди. Хоразм Республикаси раҳбарлари ва хоразмликларнинг муайян қисми миллий чегараланишга қарши бўлишса ҳам республика ҳудуди янги ташкил қилинган Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР, Қорақалпоқ автоном области таркибига киритилди. Шундай қилиб, 1924 йил ноябрда Хоразм Республикаси тугатилди. 1925 йил январда Ўзбекистон ССР таркибида Хоразм вилояти ташкил қилинди.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Непесов Г. Великий Октябрь и народные революции 1920 года в Северном и Восточном Туркменистане. –А.: Туркменгосиздат, 1958.
2. Гордиенко А.А. Создание народно -советское государства и права и их революционно-преобразующая роль в Хорезме и Бухаре. –Т.: Издательство САГУ, 1959.
3. Ҳамдамов Х. Хива хонлигининг ағдалиши ва Хоразм Совет Халқ Республикасининг тузилиши. –Т.: “Ўздавнашр”, 1960.
4. Погорельский И.В. История Хивинской революции и Хорезмской Народной Советской Республики 1917–1924 гг. –Л.: Изд. Ленинградского университета, 1984.
5. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р.Я Раджапова. –Т.: “Шарқ”, 2000; Р.Я Раджапова. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 й.). –Т.: “Ўқитувчи”, 1994.
6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. – Т.: Шарқ, 2000.
7. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917–1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. –Т.: “O‘zbekiston”, 2019.
8. Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Халы Республикалари: давлатчилиқнинг демократик шакли // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Масъул муҳаррирлар: Д.А. Алимова, Э. В. Ртвеладзе. –Т.: “Шарқ”, 2001. –Б. 186-187; Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчилиқнинг демократик шакли // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Масъул муҳаррирлар: Д.А. Алимова, Э. В. Ртвеладзе. –Т.: “Шарқ”, 2001. –Б. 186-187; Ражабов Қ. Ёш хивалиқлар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том.3. –Т.: ЎЗМЭ нашриёти, 2002. –Б. 498-500.
9. Кошанов Б., Сейтназаров М. Революция? Вторжение? Событие в Хивинском ханстве (1919-1920 гг.). – Нукус: Билим, 1997; Кошанов Б.А., Джумашев А.М. Зарубежная и отечественная историография истории Туркестана, Хорезма и Каракалпакстана в первой четверти XX века. – Нукус: –Каракалпакстан, 1997.
10. Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900-1924). –Т.: Akademnashr, 2011.
11. Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч, 1993.
12. Мамадаминова Б. Хоразм Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар (1920–1924 й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2020. 57 б.
13. Алланиязов Т. Красные Каракумы. Очерки истории борьбы с антисоветским повстанческим движением в Туркменистане (март – октябрь 1931 года). – Жезказган-Алматы: «OST XXI век», 2006; Алланиязов Т., Таукенов А. Последний рубеж защитников номадизма. Истории вооруженных выступлений и повстанческих движений в Казахстане (1929-1991 гг.). –Алматы: «OST – XXI век», 2009.
14. Мухаммадбердиев К.Б., Орезгыыхызов Я. Туркменистанын тарыхындан материаллар. 1917 – 1994 й. –Ашгабат, 1997.
15. Alexander Park. Bolshevizm in Turkistan: 1917 – 1923. – New York, 1957.
16. Baymirza Hayit. Milli Türkistan hürriyet davası. –Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı yayınları, 2004.
17. Khalid, Adeeb. Making Uzbekistan: Nation, Empire, and Revolution in the Early USSR. – London: Cornell University Press Ithaca and London, 2015.
18. Персиц М. А. Застенчивая интервенция. О советском вторжении в Иран и Бухару в 1920-1921 гг. 2-изд. –М.: “Муравей-Гайд”, 1999. – 200 с; Генис В. Красная Персия.

- Большевики в Гиляне 1920 - 1921. Документальная хроника. – М.: “МНПИ”, 2000. -560 с.
19. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – С.304-305.
 20. Ўзбекистон миллий архиви, 71-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 11-варақ; *Маткаримов М.* Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. –Урганч: “Хоразм”, 1993. –Б. 14-15.
 21. Ўзбекистон миллий архиви, 71-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 11-варақ; *Маткаримов М.* Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. –Урганч: “Хоразм”, 1993. –Б. 14-15.
 22. *Ражабов Қ.* Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Масъул муҳаррирлар: Д.А. Алимова, Э. В. Ртвеладзе. –Т.: “Шарқ”, 2001. –Б. 186-187.
 23. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. – Б. 115.
 24. История Хорезмской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.). Сборник документов. –Т.: Фан, 1976. –С. 56-64.
 25. Ражабов Қ. Ёш хиваликлар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том.3. –Т.: ЎЗМЭ нашриёти, 2002. –Б. 498-500.
 26. Полвонниёз Ҳожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи (Хотиралар). –Урганч: “Хоразм”, 2000. –Б. 354-356.
 27. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. – Б. 293.
 28. Ўзбекистон миллий архиви, Р-72-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 5-10-варақлар.
 29. Ўзбекистон миллий архиви, 71-фонд, 1-рўйхат, 31-иш, 15-16-варақлар.
 30. Ўзбекистон миллий архиви, Р-71-фонд, 1-рўйхат, 31-иш, 32-варақ; “Туркестанская правда”, № 254.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 12/1 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).